


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Фарғона давлат университети

Бакалавриятнинг бошланғич таълим ва
тарбиявий иш йўналиши учун

**ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ
ВА ТАРИХИ**

ФАНИДАН
ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ



Фарғона-2006

Педагогика назарияси ва тарихи фанидан лаборатория машғулоти
бошланғич таълим методикаси кафедрасининг 31.01.06 йил
йиғилишида муҳокама қилиниб, маъқулланган.
(6-баённома)

Мазкур қўлланма факультет ўқув-услубий комиссиясининг
2006 йил _____ йиғилишида кўриб чиқилган.

Мазкур қўлланма талабалар билан педагогика
назарияси фанидан лаборатория машғулоти ўтказишда
қўлланилади. Бу услубий қўлланма педагогика назарияси ва
тарихи фани дастурига мувофиқ ёзилган бўлиб,
университетнинг бошланғич таълим йўналишининг
кундузги бўлим талабаларига, педагогик коллеж ўқитувчи
ва ўқувчиларига мўлжалланган.

Тузувчилар: Л.Расулова, доцент, педагогика фанлари номзоди,
С.Самиева, катта ўқитувчи.

Тақризчилар: Б.Латипов - вилоят педагог ходимлар малакасини
ошириш ва қайта тайёрлаш институти ректори,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

ФарДУ Илмий кенгашининг 2006 йил 26 майдаги 10-сонли
йиғилиши қарори билан кўпайтиришга тавсия этилган.

К И Р И Ш

«Педагогика назарияси ва тарихи» ўқув дастури бакалавриятлар учун Ўзбекистон Республикасининг «Умумий касб таълими» блоки бўйича Давлат таълим стандартига асосланиб тузилган.

Ўқув фани сифатида «Педагогика назарияси ва тарихи», педагогика ўқув юрти талабаларини касбий-педагогика тайёргарлиги тизимида етакчи ўринни эгаллайди.

Ҳозирги даврда педагогика фанини ўқитиш бўлғуси ўқитувчиларда педагогик маданиятни ривожлантириш, уларда янгича тафаккурни топтириш, ўқитувчи-тарбиячи, ёшлар мураббийси вазифаларини ижодий бажариш, умумий тайёргарликни таъминлашга йўналтирилган.

Ҳозирги кун талабаларининг мустақил ишларини замонавий талабларга мувофиқ ҳолда уюштириш учун баъзи муҳим шароитларни яратиш зурур. Улардан бири талабаларга ўз билимларини, кўникма, малакаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида керакли-услубий кўрсатма ва қўшимча адабиётлар билан таъминлаш.

Услубий қўлланма ўқув дастури асосида тузилган ҳамда тасдиқланган.

Мазкур ўқув қўлланма 4 бўлимдан иборат!

1. Педагогиканинг умумий асослари.
2. Дидактика.
3. Тарбия назарияси.
4. Педагогика тарихи.

Ҳар бир бўлимдан машғулотлар мавзуларига оид топшириқлар мавжуд, охирида уларни бажариш учун тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати берилган.

**«ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ» ФАНИДАН
ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ.
ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.**

1-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Замонавий педагог ҳамда унинг жамиятдаги роли

Машғулот ўқув хонасида ўтказилади. Машғулот давомида сиз педагогик топшириқларни бажаришга оид бир неча саволларга жавоб беришингиз лозим.

Педагогика вазифаларни ечиш режаси

1. Берилган воқеани моҳиятини аниқланг.
2. Мурасасизлик ва қарама-қаршиликларни сабабини аниқланг.
3. Ушбу ҳолатдаги қатнашувчилар томонидан қўйилган хатоларни кўрсатинг.
4. Ижобий кўрсаткичларга эришиш учун ушбу ҳолатда қайси иш усуллари ва воситаларидан фойдаланиш мумкин эди.
5. Келгусида қайси ижобий тажрибани ўрганиш ва қайсиларидан фойдаланмасликни аниқланг.
6. Юқорида кўрсатилган воқеани тез қайтарилишини баҳоланг ва умумий хулоса чиқаринг.

1-ТОПШИРИҚ

Ўртоқлар суҳбатида турли олий ўқув юртини битирган собиқ синфдошлардан бири жарроҳ бўлиб, у педагогик олийгоҳни битирмасдан мактабда хоҳлаган фанлардан дарс бера олишини айтди.

Ёш ўқитувчи жавоб олди. Мен ҳам жарроҳ бўлиб ишлардим, фақат биринчи операциягача.

Қуйидаги тортишув юзасидан сизнинг фикрингиз қандай? Ҳақиқат ким томонда? Нима учун «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» дейишади? Ўқитувчи жамоада қандай вазифани бажаради?

2-ТОПШИРИҚ

Ёш жарроҳ тортишувини давом эттириб ўз фикрини тасдиқлаб педагогни меҳнати ҳақида ўқувчилик даврида тушунча ҳосил бўлганлиги, вақти билан маҳоратли бўлиши мумкин. У асосан тажриба назарияси билан эмас, -деб таъкидлади.

Сиз унга қандай жавоб берган бўлар эдингиз?

Педагог нималар асосида мутахассислик вазифаларини мувафаққиятли бажариши мумкин?

3-ТОПШИРИҚ

Педагогика ҳақида турли дарсликларда турлича маълумотлар берилган. Таҳлил қилиб ўз хулосангизни беринг.

Ўқитувчи фаолиятида педагогика қандай ролни бажаради? Машғулот мавзуси асосида хулоса чиқаринг.

2-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Илмий-педагогик тадқиқот усуллари

Ўтган машғулотлардаги билимларга асосланиб, қуйидаги топшириқларни ечишга ҳаракат қилинг.

1-ТОПШИРИҚ

Мактабга янги ўқитувчи келди. Уни энг оғир синфга синф раҳбари этиб тайинлашди. У синф ҳужжатлари билан танишиб, болаларни кузатиб умумлаштириб қуйидаги хулосага келди. Ҳар томонлама намунали синф секин аста ўз аълочиларини, яхши ўқувчиларини йўқотиб, секин аста бу ўқувчилар уни топшириқларини бажармай кела бошлаган. Ўқувчилар билан ўтказган суҳбат чоғида ўқитувчи билан тез-тез тортишувлар бўлгани, бунга ўқувчилардаги баъзи-бир камчиликлар сабаб бўлган (кундаликни унутиш, дафтарни йўқотиш), билими ҳисобга олинмаган. Синф жамоаси билан мураббий очиқ гаплашгач, синфда ишлар аста-секин тартибга туша бошлаган.

Янги синф раҳбарини ўқувчилар билан ишлашдаги тутган йўлини таҳлил қилиб аниқланг. Ўқувчиларни давомати ва ўзлаштириши сабаблари ҳақидаги маълумотларни қайси илмий изланиш усулларидан фойдаланди? Педагогик тажрибага илмий тадқиқот усуллари қўллашни зарурати нимада?

2-ТОПШИРИҚ

Синф раҳбари ўқувчиларнинг ҳақиқий дўст ҳақидаги фикрларини билиш учун тўла равишда жавоб беришларини сўради.

1. Кимни ҳақиқий дўст деб атаса бўлади? Нима учун?
2. Ўз ҳаётингизда ҳақиқий дўстлик натижаси бўлган воқеани эсланг ёки бадий асардаги қаҳрамонлар ҳақида мисоллар келтиринг

Синф раҳбари қайси илмий усулдан фойдаланди? Қўллаган усулини ижобий ва салбий томонлари нимада? Шу йўл билан аниқ маълумотга эга бўлиш мумкинми ёки бошқа усуллардан фойдаланса бўлармиди? Қайсилардан?

3-ТОПШИРИҚ

Ўқитувчи ота-оналар йиғилишида ўз ўқувчилари ҳақида яхши фикрлар билдирди. У нафақат билимлари ҳақида ҳаттоки, уларни қизиқишлари, шуғулланишлари оиладаги муаммолари ҳақида гапирганда ота-оналар ҳайратда қолишди.

Сизнинг фикрингиз? Ўқитувчи ўқувчилари ҳақида шунча тўлиқ маълумотга эга бўлиши учун қайси усуллардан фойдаланди. Олган маълумотлардан қандай фойдаланиш мумкин?

4-ТОПШИРИҚ

Ҳаммага маълум жуда кўп зиёлилар (Галилео Галилей, Дж.Бруно, Н.Коперник, М.Улуғбек, М.Ломоносов, И. Мичурин, И. Курчатов ва бошқалар) ўзларини муаммолари устида узоқ йиллар ишлашган. Уларни яратган

янгиликлари тинимсиз изланишлар натижасидир. Шу билан бирга баъзи олимлар ўзлари тасодифан янгиликларни яратишган.

Касбий фаолиятини такомиллаштириш юзасидан педагог қандай илмий тадқиқотлардан фойдаланиш мумкин: узоқ муддатлими ёки қисқа муддатлими?

Машғулот мавзуси юзасидан хулоса чиқаринг.

3-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ.

Мавзу: Боланинг шахси тарбиянинг объекти ва субъекти сифатида.

Машғулотнинг мақсади: Хар бир бола шахсида қайтарилмас ички дунёсини кўрсатиш, ҳар бир ўқувчига таълим-тарбия беришда унинг ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни асослаб бериш.

1-ТОПШИРИҚ.

Педагогика-психология адабиётларидан «ривожланиш» тушунчасига таърифларни ўрганиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг. Қайси бири булардан юқори даражада асосланган деб ҳисоблайсиз? Нима учун? Бола шахсини ривожлантиришда таълим ва тарбия қандай вазифа бажаради?

2-ТОПШИРИҚ.

Дониёр исмли бола ёшлиқ чоғиданоқ тез ривожланиб, 4 ёшида ўқишни билган эди. У турли мазмунда масалаларни мустақил тузишни яхши кўрар эди. У уч хонали сонлар ҳақида мясида тузиб, санар эди. Боланинг бундай тез ривожланиши боғча тарбиячиларини ҳайратга солса, ота-оналарини эса хавотирга солар эди. Улар ҳатто болани тўхтатишга ҳаракат қилишиб, 2 ойдан ортиқ боланинг саволларга жавоб беришади. Натижада Дониёр қайтиб кўпроқ ўқий бошлади. У ўзида туғилган саволларга ўзи жавоб топишга ҳаракат қила бошлади. Мактабда у дарсларга бефарқ бўлишга қарамай,, ҳамма топшириқларни сидқидилдан бажарар эди. Ҳозирда у 8-синфда ўқийди, у «Фан ва турмуш» журналинини ҳар бир варағини қолдирмай ўқийди, схема бўйича электроприёмникларни йиғади, фантастика билан шуғулланади. Дониёр оғир характерли, у ўзини яхши кўрган, қайсар. Унинг ўртоқлари ҳам йўқ.

Бундай бола билан қандай тизимда ишлаш керак, уни иқтидорини тарбиялашда қандай ёрдам керак? Синфдошлари билан тўғри муносабатни тарбиялашга қандай ва кимлар ёрдам бериши мумкин?

3-ТОПШИРИҚ.

4-синф ўқувчиси Гулнора синфда ҳаммадан бўйи баландлигидан изтироб чекар эди. Шу сабабли у букчайиб юрар эди. Доскага чиқиш у учун азоб эди. Шу сабабли «2» баҳо олишини билсада, доскага чиқиб жавоб беришдан бош тортар эди. Унинг назарида ҳамма ундаги камчиликларни (қўлининг узунлиги, бўйининг узунлиги...) ўртоқлари сезишгандай эди. Унинг зийраклиги туфайли руҳан қийналар эди.

Қизни ўз-ўзини тўғри баҳолашда ўқитувчи қандай ўрин тутиши керак? Ўзини такомиллаштиришга интилиши қандай уйғотиш мумкин? Ота-она қандай ёрдам бериши мумкин?

4-ТОПШИРИҚ

«Ёш хусусиятлари» ва «индивидуал хусусиятлари» тушунчаларни таърифланг, аниқ мисоллар келтиринг.

Болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш деган принципнинг моҳияти қандай?

Машғулот мавзуси юзасидан хулоса чиқаринг.

4-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Тарбиянинг мақсад ва вазифалари.

1. Турли педагогика дарслигидан «тарбия мақсади» тушунчани аниқланг. Уларни солиштиринг, сизга маъқул келганини танланг. Кичик мактаб ёшдаги болаларни тарбиялашдан мақсад нима?
2. «Тарбиянинг вазифалари» деган тушунчани ўрганинг. Кичик мактаб ёшидаги болаларни тарбиялашдаги вазифалар нималардан иборат?
3. Қуйидаги вазифаларга асосланиб, бошланғич синф ўқитувчининг тарбиявий фаолияти нималардан иборат?
4. Таниқли педагогларнинг инсон ҳаётида тарбиянинг тутган ўрни ҳақида фикрларни ўрганинг ҳамда сизга ёққанини ёзинг, изоҳлаб беринг.
5. Вазиятни ўрганинг.

Биринчи ота-оналар мажлисидан сўнг Дилбарнинг онаси ўқитувчи билан суҳбатлашиб, қизининг индивидуал ривожланишига ёрдам беришини илтимос қилди. Бундан сўнг ўқитувчи қиздан нимани ўқиётганлиги, қайси телекўрсатувларни кўришини, мусиқага муносабатини қандай деб сўрай бошлади. Шу пайт онаси мусиқанинг нима алоқаси бор деб суҳбатга аралашди.

Вазиятни таҳлил қилинг:

Сизнинг назарингизда, ким хатога йўл қўйяпти?

Шахсни ҳар томонлама шакллантиришда тарбия қандай олиб бориши лозим?

Машғулот мавзуси бўйича умумий хулоса чиқаринг.

ДИДАКТИКА БЎЛИМИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ

1-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ.

Мавзу: Таълим мазмуни ва уни такомиллаштириш йўллари.

1-ТОПШИРИҚ.

Педагогика дарслигидан ўқитиш жараёнининг моҳиятини аниқлаш ва тушунтириш.

Ўқитиш жараёни нима учун икки томонлама жараён деб ҳисобланади?

2-ТОПШИРИҚ.

Педагогикани турли дарсликларидан «таълим» тушунчасини аниқлаб, солиштиринг.

Сизни назарингизда, улардан қайси бири тўлиқ ва аниқ деб ўйлайсиз? Нима учун?

3-ТОПШИРИҚ

Саволларга жавоб беринг:

1. Таълим мазмунининг асосий таркибий қисмларини атанг.
2. Таълимнинг қайси турлари сизга маълум? Улар нимаси билан бир-биридан фарқ қилади?
3. Бошланғич таълимнинг мазмунини аниқлашда қайси омилларни ҳисобга олиш шарт. Қайси ҳужжатда бу саволга аниқ жавоб берилган?
4. Таълим мазмунини аниқлашда қайси принципларга асосланиш керак?
5. Бошланғич таълимнинг давлат таълим стандарти ҳақида нималарни биласиз?

4-ТОПШИРИҚ

Педагогика дарсликларидан «ўқувдастур», «ўқув режа», «дарслик», «ўқув қўлланма» тушунчаларни таърифланг ва қўйидаги саволларга жавоб беринг.

Бошланғич мактабдаги дарсликларга қандай талаблар қўйилади?

Сизнинг назарингизда бошланғич мактаб дарсликларидан қайси бири мазкур талабларга мос келади.

Таълим мазмунининг қайси элементларини шакллантиришга ўқитувчи асосий эътиборини қаратиши керак. (билим, малака, кўникма)

Машғулоти мавзуси юзасидан хулоса қилинг.

2-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Таълим усулларини ва воситаларини танлаш.

Мақсад: Таълим усуллари ҳақида аниқ тушунча бериш ҳамда таълим жараёнида улардан самарали фойдаланишга ўргатиш.

1-ТОПШИРИҚ

Педагогикани турли дарслигидан таълим усуллари ва воситаларини ўрганиб аниқлаш. Уларни таҳлил қилиб, «Кластер» формасига мос келадиган жадвал тузинг.

2-ТОПШИРИҚ

Таълим усулларини таърифланг. Вазиятни таҳлил қилиб, саволларга жавоб беринг.

Она тили дарси. Болалар «Боғлар гуллаганда» мавзусидаги иншога тайёрланишмоқда. Ўқитувчи карточкаларда берилган тайёр режа ҳамда таянч иборалардан фойдаланишни таклиф қилади. Ҳамма учун қийин, лекин қизиқарли. Дарсни охирида ҳамма болалар иншони ёзиб топширишади.

Ўқитувчи қайси дидактик қоидаларга асосланди?
Қайси таълим усуллари ва воситаларидан фойдаланилди?

3-ТОПШИРИҚ

Воқеани таҳлил қилиб, саволларга жавоб беринг. **Ўқиш дарси.** Ўқувчилар навбат билан тестни ўқий бошлашди. Қолганлар хатони топиб тузатишга ҳаракат қилишяпти. Хатоларни топган ўқувчиларга баҳо қўйишлигини ўқитувчи айтиб ўтди.

Ўқувчиларни дарс фаоллаштириш учун қўлланган усуллари қандай баҳолайсиз?

Ахлоқий нуқтаи назардан қўлланган усуллар яроқлилиги? Нима учун?

4-ТОПШИРИҚ

Қуйидаги вазиятни таҳлил қилиб, саволларга жавоб беринг.

Математика дарсида масалани ечиб бўлгач, анъанага кўра ўқитувчи санашни бошқа усулларни топишни таклиф қилади. Болалар фаоллашиб, тезлик билан масалани ечиш янги вариантларни топишди. Топшириқни бажарган болалар юлдузчалар билан тақдирландилар.

Ўқувчиларни фаоллаштириш учун педагог қайси усуллардан фойдаланди? Уларнинг натижалари қандай?

Мавзу юзасидан хулоса чиқаринг

3-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Таълимни ташкил этиш шакллари.

1-ТОПШИРИҚ

Педагогика дарслигидан «таълимни ташкил этиш шакллари» «синф- дарс системаси» «дарс» тушунчаларини ўрганиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Синф-дарс системасини илмий педагогик жиҳатдан ким асослаган?
2. Дарс ўзи нима? Сиз қайси дарс турларини биласиз?
3. Дарс қайси босқичлардан ташкил топади?
4. Дарс тузилиши қайси омилларга асосланади?

2-ТОПШИРИҚ

Қуйидаги вазиятларни таҳлил қилиб, саволларга жавоб беринг.

Табиатшунослик дарси бошланди. Ўқитувчи давоматни аниқлаб, ўтилган мавзу бўйича оммавий сўради. Шу вақт эшик очилиб синфга Валижон тўрт оёқлаб бақага ўхшаб ирғиб кирди. Синфда жимлик. Ўқувчилар нимадир бўлишини кутишмоқда. Ўқитувчи олдинига ҳайратда қолди. Сўнгра болага бақириб, дарсдан ҳайдаб, ота-онасини айттирмоқчи бўлди. Лекин у бундай қилмади. Болаларни тинчланишини сўраб, Валижонни тезда жойига ўтиришини айтиб, ҳеч нарса бўлмагандай дарсни давом эттирди. Дарсдан сўнг Валижон синфдаги қизларни лапашанг, қўрқоқ каби камситишларига ўчашиб, унинг тескарисини бажариб, қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўлди. Бу қилмишидан ўзи қаттиқ пушаймон эканлигини айтди.

Ўқитувчи Валижонни «қаҳрамонлик» ҳатти-ҳаракатини сабабини аниқлашни дарсдан кейинга қолдириб тўғри қилдими?

Синфда, айниқса, қиз болалар билан тарбия ишларини тезлик билан қандай олиб бориш лозим?

Болаларга ҳақиқий қаҳрамонлик билан сохта қаҳрамонлик фарқини қандай тушунтириш мумкин?

3-ТОПШИРИҚ

Қуйидаги вазиятни таҳлил қилиб, саволларга жавоб беринг.

Ёш ўқитувчи «очиқ дарс»ни болаларга ҳам, қизиқарли бўлиши, ҳамкасблар олдида ҳам уят бўлмаслиги учун қандай тайёргарлик кўриш ҳақида ўйланиб қолди.

1. Сиз ёш ўқитувчига қандай маслаҳат берган бўлар эдингиз?
Дарсга тайёрланишда биринчи навбатда нимага эътибор бериш керак?

Мавзу юзасидан хулоса чиқаринг.

ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ БЎЛИМИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ

1-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Тарбия усуллари ва воситалари.

Мақсад: Тарбия усуллари ва воситаларини кўрсатиш. Педагогнинг имкониятлари ва шароитлари асосида мақсадга кўра усулларни танлаш лозимлигини исботлаш.

Жиҳозлаш: Педагогикадан дарслик, маъруза, педагогик луғат.

1-ТОПШИРИҚ

Педагогика дарслиги, маърузадан фойдаланиб, тарбия усуллари ва воситалари ҳақидаги тушунчаларни ўрганинг, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини аниқланг.

Уларни алоҳида – алоҳида қўллаш мумкинми? Нима учун?

2-ТОПШИРИҚ

Вазиятни таҳлил қилиб, саволларга жавоб беринг.

3-синф ўқувчиси Дилшод мактабдан ҳар кунгидан кечроқ қайтди. Кайфияти йўқ ҳолда ва онасининг «нима бўлди?» деган саволига Дилшод «интизоми учун 2-баҳо олдим», деб жавоб берди. Она ҳайрон бўлди. Чунки у яқиндагина мактабда бўлиб, ўқитувчиси билан суҳбатлашганда ўғли ҳақида ҳеч қандай ёмон сўз эшитмаган эди. Эртаси куни у яна мактабга жўнади, ўқитувчиси билан учрашди. Ўқитувчи унга шу кунгача Дилшод барча топшириқларни бажараётганлигини лекин тарбияси оғир бола билан ўртоқлашганлиги ва у ҳам ёмон йўлга кириб кетмаслигини айтди.

Дилшодга 2-баҳо қўйилгани уни олдини олиш мақсадида чора кўришга педагогнинг ҳаққи борми? Бу ҳолат нимага олиб келиши мумкин? Сиз ўқитувчига ва Дилшодни онасига қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

3-ТОПШИРИҚ

Вазиятни таҳлил қилиб, саволларга жавоб беринг.

4-синф раҳбари маҳалла қўмитаси томонидан Равшан исмли бола Улуғ Батан уруши қатнашчиси, ногирон қўшнисини хат-қутисини ёндириб юборганлиги ҳақида шикоят хатини олди. Синф раҳбари Равшан билан шанбаликдан сўнг уни ва уни ўртоқларини кузатиб, суҳбатлашмоқчи бўлди. Лекин шанбаликда Равшан ғайрат ва ташаббус билан ишлади. Шанбаликдан сўнг синф раҳбари яхши ишлаганлиги учун Равшанни мақтаб, уни алоҳида суҳбатлашиш учун қолдирди. Суҳбат давомида у хатни мазмуни билан

таништирди, лекин болани номини айта олмади. Ўқитувчи Равшанга урушнинг қатнашчиси оғир кунларидан тирик қолган, бугунги кунда у қандайдир безорини камситишига чидаб туриши керак бўлган ногирон қўшнисига ёрдам кераклигини илтимос қилди. Бола бирдан чалғиб дарров жавоб бера олмади. Ўқитувчи унга ўйлаб кўриш учун икки кун муҳлат берди.

Ўқитувчи қандай тарбия усулидан фойдаланди?

Қуйидаги вазиятда ўқитувчи қандай психологик қонуниятларни ҳисобга олди?

Машғулот мавзуси юзасидан хулоса қилинг.

2-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

Мақсад: Бўлажак педагогларни болалар соғлиги учун маъсулиятли бўлишга тарбиялаш, болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тажриба асосларини яратиш.

Жиҳозлаш: Педагогика дарслиги, маъруза, педагогик лугат.

1-ТОПШИРИҚ.

1. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларидан Ибн Сино (Авиценна), А.Навоий ва бошқалар ўтмишда давлат арбоби бўлган (А.Темур ва бошқалар) болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги қарашларини ўрганинг ва икки қисмли кундалик шаклида ёритинг.

Фикр	Изоҳ

2. Президентимиз И.А.Каримовни мазкур муаммо юзасидан фикрларини изоҳланг ва икки қисмли кундалик шаклида ёритинг.

3. Берилган намуна асосида кичик мактаб ёшидаги болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадига қаратилган бирорта тадбирни сценариясини (конспектини) тузинг, сўнгра унинг муҳокамасида иштирок этинг.

УЙГА ВАЗИФА

1. Ўз ҳаётингизни таҳлил қилиб кўринг:

Сизни кун тартибингиз қандай?

Шахсий гигиенанинг қоидаларига риоя қиласизми?

Сизни назарингизда ҳаётингизга нима таъсир қилади?

Соғлигингизни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун сиз нима қилган бўлар эдингиз?

2. Ўзингизни, сингилларингизни ва укаларингизни кузатиб, таҳлил қилинг. Улар қандай ҳаёт кечиришмоқда? Қандай муҳит уларга таъсир этади? Келгусида уларни соғлиги қандай бўлади?

Мавзу юзасидан хулоса чиқаринг.

3-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

Мавзу: Болалар жамоаси тарбия воситаси сифатида.

Мақсад: Жамоа ва унинг кўрсаткичлари ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш, унда болаларни жамоа ёрдамида тарбиялаш имкониятларни кўрсатиш.

Жиҳозлар: Педагогика дарслиги, педагогикадан маърузалар, педагогик луғат.

1-ТОПШИРИҚ

Мавзу юзасидан «Ақлий хужум»да қатнашинг.

1. «Жамоа» бу нима?
2. Унинг белгилари қандай?

3. Жамоани педагогик нуқтаи назардан таърифловчи сўзларни айтинг. Қизиқишлари турлича бўлган кишиларни бир бутун жамоа деб аташ мумкинми?.

2-ТОПШИРИҚ

«Синфдаги тартибсизлик» ҳақидаги педагогик вазифани ечинг. Ўқитувчи касал бўлган пайтда унинг дарсларини амалиётчи- талаба ўтиб турди. Синфдаги ўқувчилар эса охирги дарсдан қочиб кетишди. Эртасига ишга қайтган ўқитувчи ўқувчиларни дарсдан қочишлари сабабини ҳар қанча билишга уринса-да, бефойда бўлди. Шунда ўқитувчи бутун синфни жазолаш мақсадида орзиқиб кутишаётган циркка экскурсияга бормаслигини таъкидлади. Болалар бу хабарни эшитгач, ҳамма хафа бўлиб, уйларига тарқалишди. Бир қанча вақтдан сўнг ўқитувчини олдиға синфдаги 3 та ўқувчи келиб ўз айбларига иқдор бўлишади. Буни улар ташкил этганлигини фақат уччаламизни жазолашни, қолганларни эса циркка боришларига руҳсат беришини сўрашди.

Сиз қандай ўйлайсиз, нима мажбур қилди дарсдан қочишга, ташкилотчиларни айбига иқдор бўлишига?

«Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» шиорига амал қилиб, бутун бир жамоани жазолаш мумкинми?

3-ТОПШИРИҚ

Ҳар бир жамоада ўтадиган ривожланиш босқич номларини атанг ва таҳлил қилинг «Алвонли елкан», «Ёнаётган машъал», «Қумли ёйилма», «Юмшоқ тупроқ», «Ёниб-ўчувчи маёқ». Қўйидаги номларни жамоани ривожланиш босқичида жойлаштиринг.

Нима учун шундай жойлаштирганингизни тушунтиринг.

Кетма-кетликда хато бўлиши мумкинми? Нима учун?

4-ТОПШИРИҚ

1. «Актив» ва «пассив» тушунчаларни аниқланг.
2. Актив ва пассив ўқувчилар ўртасидаги «доимий кураш» сабаблари нимада?
3. Ўқувчини ўзини-ўзи бошқаришнинг хусусиятлари қандай?
4. Қандай қилиб синф жамоасида мўътадил муҳитга эришиш мумкин?
5. Ўқувчиларни жипслашишига ёки кичик гуруҳларга бўлинишларига қандай омиллар таъсир этади?

Мавзу юзасидан хулоса чиқаринг

ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ БЎЛИМИ БЎЙИЧА ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

1-МАШҒУЛОТ

Мавзу: Я.А.Коменскийнинг педагогик тизими.

1-ТОПШИРИҚ

Я.А.Коменскийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида дарсликлардан ўқиб ўрганинг.

2-ТОПШИРИҚ

Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарида таълим тизими ва дидактик тамойиллар ҳақида яратилган фикрларни аниқлаб ёзинг.

3-ТОПШИРИҚ

Я.А.Коменскийнинг синф-дарс тизимини таърифини аниқлаб ёзинг.

4-ТОПШИРИҚ

Я.А.Коменский ижодида бола тарбиясининг табиатга уйғун бўлишлиги тўғрисидаги фикрларини аниқлаб ёзинг.

Мавзу юзасидан хулоса чиқаринг.

2-МАШҒУЛОТ

Мавзу: Абдулла Авлонийнинг педагогик мероси.

1-ТОПШИРИҚ

Дарсликларидан А.Авлонийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларни ўрганиб, қисқа қилиб ёзинг.

2-ТОПШИРИҚ

А.Авлоний ташкил этган мактаб ва дарсликлар ҳақида қисқача маълумот ёзинг.

3-ТОПШИРИҚ

А.Авлонийнинг «Биринчи муаллим» («Муаллими аввал») номли асарини ўқиб, у ҳақида аннотация ёзинг.

4-ТОПШИРИҚ

А.Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» («Муаллими соний») номли асарини ўқиб, у ҳақида аннотация ёзинг.

5-ТОПШИРИҚ

А.Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд-ахлоқ» номли асарини ўқиб, у ҳақида аннотация ёзинг.

6-ТОПШИРИҚ

Юқорида кўрсатилган асарларда А.Авлонийнинг ёритилган педагогик ғоялар ҳақида хулоса чиқаринг.

Мавзу юзасидан хулоса чақаринг

3-МАШҒУЛОТ

Мавзу: Чет элда таълим-тарбиянинг замонавий муаммолари.

1-ТОПШИРИҚ

Иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланган давлатларда замонавий таълим тизими ҳақида маълумотларни тўплаб ёзинг (ҳар қайси давлатга алоҳида, жумладан: АҚШ, Япония, Франция, Германия).

2-ТОПШИРИҚ

Ривожланаётган давлатларда замонавий таълим тизими ҳақида маълумотларни тўплаб ёзинг (ҳар қайси давлатга алоҳида, жумладан: Хитой, Сингапур, Корея ва бошқалар).

3-ТОПШИРИҚ

Чет элда бошланғич таълимни ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқаринг ва ушбу мавзудаги давра суҳбатда иштироқ этинг

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т: Ўзбекистон, 1993 йил.
2. Каримов И.А. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т: Шарқ, 1997 йил.
3. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Мулоқот» журнали, 1998 йил, 5-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т: Шарқ, 1997 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т: Шарқ, 1997 йил.
6. «Баркамол авлод орзуси» Т: Шарқ 1999 йил.
7. «Миллий истиқлол ғояси. Асосий тушунча ва тамойиллар» Т: Ўзбекистон 2000 йил.
8. Абу Носир Фаробий «Фозил одамлар шаҳри». Т: «Халқ мероси», 1993 йил.
9. Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». «Танланган асарлар», 1-том Т: Фан, 1998 йил.
10. Алишер Навоий «Маҳбуб ул - қулуб» асарлар, 15-томлик, 13-том, Т: Адабиёт ва санъат нашр. 1996 йил.
11. Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» Т: Ўқитувчи 1993 йил.
12. Абдурасул М. «Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм маърифат ҳақида» Т: Ўқитувчи 1981 йил.
13. Имом Исроил ал-Бухорий ал-адаб ал-муфрад «Одоб дурдоналари». Т: Ўзбекистон, 1990 йил.
14. Мавлонова Р. «Педагогика» Т: Ўқитувчи, 2001 йил.
15. Минавваров А.К. «Педагогика» Т: Ўқитувчи, 1996 йил.
16. Хошимов К. «Ўзбек педагогикаси, анталогияси» Т: Ўқитувчи, 2000 йил.
17. Хошимов К., Нишонова С., «Педагогика тарихи» Т: Ўқитувчи, 1996 йил.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

Педагогиканинг умумий асослари

Дидактика

Тарбия назарияси

Педагогика тарихи

